Аллоҳга қасам, вақти келди

Image not found or type unknown



08:00 / 14.12.2020 2935

Фузайл ибн Иёз авваллари йўлтўсарлик қилар эди. Бир куни кечаси яна қароқчилик қилгани чиқиб, бир карвонни таламоқчи бўлди. Ярим тунда бир карвон келди. Карвондагилардан бири: «Биз билан мана шу қишлоққа юринглар, чунки йўлда Фузайл деган қароқчи бор», деди. Фузайл унинг гапини эшитиб, қалтираб қолди. «Эй карвондагилар! Ўша Фузайл менман! Хотиржам бўлинглар, Аллоҳга қасамки, мен энди ҳеч қачон Аллоҳга осийлик қилмайман», деди ва қилиб юрган гуноҳ ишларидан қайтди.

Бошқа ривоятда шундай дейилган: «У карвондагиларни меҳмон қилиб, «Энди Фузайлдан қутулдиларинг», деди. У меҳмонларга овқат бериш учун ташқарига чиққан эди, бир кишининг қуйидаги оятни ўқиётганини эшитиб қолди:

«**Иймон келтирган зотлар учун диллари Аллоҳнинг зикрига ва нозил бўлган ҳаққа** (Қуръонга) **мойил бўлиш вақти келмадими?**» *(Ҳадид сураси, 16-оят)*

Фузайл бу оятни эшитиб, қаттиқ таъсирланди. «Ҳа! Аллоҳга қасам, вақти келди! Ҳа! Аллоҳга қасам, вақти келди», деди. Фузайлнинг тавбаси ана шундай бошланган эди.

Иброҳим ибн Ашъас айтади: «Бир куни кечаси Фузайлнинг ушбу оятни тинмай қайтариб, йиғлаб ўқиётганини эшитдим:

«**Орангиздаги жиҳод қилувчи ва сабр қилувчиларни аниқлагунимизча ва хабарларингизни синаб бўлгунимизча сизларни имтиҳон қилурмиз**» *(Муҳаммад сураси, 13-оят)*.

У **«...хабарларингизни синаб бўлгунимизча**» деган оятни ўқигач, қуйидаги сўзларни такрорларди: «Хабарларимизни синар экансан. Хабарларимизни синасанг, барча айбларимизни фош қилиб, шарманда қиласан. Айбларимизни фош қилсанг, демак бизни ҳалок қиласан ва азобга дучор қиласан».

Унинг яна шундай деганини эшитдим: «Сен одамлар учун зийнатландинг, уларга яхши кўринишга ҳаракат қилдинг. Сени «Фалончи солиҳ одам» деб таърифламагунларича, ҳожатларингни раво қилиб бермагунларича, мажлисларда сенга жой бериб, сендан қўрқиб, улуғламагунларича риёкорлик қилавердинг. Агар шундай бўлса, аҳволинг жуда ачинарли экан. Агар танилмаслик қўлингдан келса, шундай қил. Таниқли бўлмаслигинг, сенга мақтов ўқилмаслигининг зарари йўқ. Аллоҳнинг наздида мақталган бўлсанг, одамлар наздида ёмон бўлсанг ҳам сенга зиён қилмайди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан